Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 25-iyun, payshanba, № 77 (3582)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИК РИШТАСИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Туркманистон яхши қўшничилик муносабатларининг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Республика Байналмилал маданият маркази томонидан Республика туркман миллий маданият маркази, Туркманистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбек ва туркман халқлари бой ўтмиш ва бетакрор маданий меросга эга. Тарих, маданият ва қадриятлар муштараклиги, тил, миллий анъана ва урф-одатларнинг ўхшашлиги халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.

Тадбирда Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Республика туркман миллий маданият маркази директори О.Қурбонов ва бошқалар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги серқирра алоқалар барқарор ва изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Конференция иштирокчилари халқларимиз ўртасидаги маданий мулоқотни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатларимиз санъаткорлари ва ижодкорлари Ўзбекистон ҳамда Туркманистонда ўтказиб келинаётган концерт, фестивал, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. Икки халқнинг маданият, санъат ва адабиёт намояндалари юбилейларини нишонлаш анъанага айланган.

Конференцияда миллатлараро тотувлик Ўзбекистонда давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг асосий мақсадларидан бири экани таъкидланди. Мамлакатимиз Конституциясида барча фуқароларга миллати, дини ва тилидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланган. Хусусан, бугун юртимизда яшаётган 160 мингдан зиёд туркманлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётир. Улар орасида шифокор, ўқитувчи, фермер, фан ва маданият арбоблари ҳамда бошқа соҳа вакиллари бор.

— Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, фарзандларим ҳам шу ерда вояга етмоқда, — дейди Гўзал Ражабова. — Бу менинг она Ватаним. Ўзбек халқи деганда умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларини тушунаман. Ўзбеклар ва туркманлар яқин қардош ва ҳамкор халқлардир.

Конференцияда мамлакатимизда туркманларнинг урф-одатлари, тили ва маданиятини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани қайд этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида фаолият юритаётган туркман миллий маданият марказлари дўстлик ва биродарлик муносабатларида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда. Ушбу маданият марказлари мамлакатимиздаги умумхалқ байрамлари, фестивал ва кўргазмалар, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар ҳаётидаги муҳим саналарни нишонлашда фаол иштирок этиб келмоқда.

Конференция якунида концерт дастури намойиш этилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ...

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон" фермер хўжалиги 73,7 гектар ерда пахта ва ғалла етиштиради.

Ўттизга яқин ишчи меҳнат қилаётган хўжалик 2014 йилда пахтадан 40, ғалладан 64 центнердан ҳосил олишга эришди. Даромад ҳисобидан экин майдонига олиб келувчи сув қувурини ётқизиш, зовур ва дренажларни тозалаш каби агротехник-мелиоратив тадбирлар амалга оширилди. Натижада, экин майдонларида сув таъминоти яхшиланиб, ҳосилдорлик янада ортди. Жорий йил ҳам хўжалик омилкорлари ғалладан баракали ҳосил кўтариб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарди.

— Хўжалик юмушларидан бўш вақтимда томорқадаги иссиқхонамда турли сабзавотлар ҳамда зайтун, пальма, папая кўчатлари етиштираман, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Чори Чўтпўлатов. — Ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш фаровонликнинг муҳим омилидир.

ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар

Тошкентда "Давлат бошқарувини модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни" мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Давлат бошқаруви академияси ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар ва ходимлари, ахборот соҳаси мутахассислари ҳамда экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, Корея Республикаси, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Австралия, Латвия ва Грузиядан ахборот технологиялари соҳаси экспертлари қатнашди.

Давра суҳбатида мамлакатимиз Миллий ахборот-коммуникация тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, ахборот соҳасига доир миллий қонунчиликни изчил такомиллаштириш, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва жамиятни демократик янгилашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, давлат ва жамият қурилиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш борасидаги халқаро тажриба муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуротов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Хуршид Мирзоҳидов ва бошқалар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, уларни давлат бошқаруви ва иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига татбиқ қилиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Бунинг самарасида мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида халқаро миқёсда эътироф этилган минтақада етакчи давлатга айланди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

"Туркистон" саройида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ва ижтимоий фаол талаба-ёшлар фестивали якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидор ва қобилиятини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллашига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Талабалар фестивали" ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. 2008 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур фестивал ёшларнинг талабалик даврини мазмунан янада бойитиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Илмий-ижодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт-соғломлаштириш характерига эга бўлган мазкур форумда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан беш юз нафардан ортиқ талаба-ёш иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада).

ВЕЛОСПОРТ

Велоспорт — ҳаракат демакдир. Мусобақа, машғулотлар жараёнида тинимсиз ҳаракат мужассам. Сабр-тоқат ва изчиллик чамбарчас боғланиб, спортчини янги марралар сари ундайверади. Олға интилишига туртки бўлади.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ЮКСАК МАРРАЛАР ДЕБОЧАСИ

Шунингдек, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, велоспортчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам тинимсиз ҳаракат, изчиллик лозимки, булар халқаро майдонлардаги ғалабалар учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам ташаббускорлиги ва амалий ишлари билан давлат сиёсатининг амалдаги ифодачиси сифатида бўй кўрсатмоқда.

Айниқса, ЎзКУФК юртимиз Велоспорт федерациясининг бош ҳомийси этиб тайинланганидан сўнг, спортнинг ушбу тури ривожига бўлган эътибор янада ошди, унинг оммалашуви борасида катта қадам ташланди. "Касаба-тур", "Камолот-тур", "Эко-тур" каби мусобақалар аҳолининг кенг қатламлари орасида оммавийлик касб этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. 2013 йилдан бошлаб Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Наманган вилоятлари, Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежларида велоспорт бўлимлари фаолиятини бошлади. 2015-2016 ўқув йилида эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти спорт коллежларида ҳам мана шундай бўлимлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, экологик тоза транспорт воситасининг тарғиботи борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

«ҚУЁШЛИ»ДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРОМГОҲИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Буни болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми мазмун-моҳиятига кўра йил сайин яхшиланиб, серқирра бўлиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Чунончи, Ҳукумат даражасида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси" самарадорликни янада оширди. Мазкур дастурий ҳужжат бу борадаги ишлар сифатини янги босқичга кўтариш билан бирга ёш авлод вакилларини соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини ҳам кенгайтирди.

Таъкидлаш зарурки, ўзига хос тажриба, яъни, болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги имкониятларини йўналтириш амалиёти мақсад ойдинлигининг эътироф этилган ёрқин ифодасига айланиб бормоқда.

Ушбу масъулиятли жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлашига жиддий эътибор қаратган бўлиб, хусусан, жорий йил меҳнаткашлар фарзандларининг мазмунли ҳордиғини ташкил этиш масаласига алоҳида ёндашилди.

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 25-iyun, payshanba, № 77 (3582), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳри ташкилотларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Дилшод Аҳмедов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан «Нурафшон Нур» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муҳаббат Тошпўлатова, «Зебунисо она» МЧЖ бошқарувчиси Фахриддин Холмуҳамедов, «Тошбозорсавдо» касаба уюшма қўмитаси раиси Адҳам Эргашев ва бошқалар фаолиятни бундан-да яхшилаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Қурултойига ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг раиси Зиёдулла Худойбердиев сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

***

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят ташкилотларининг ҳисобот конференциясида 2013 йил февралдан 2015 йил июнгача бўлган фаолият муҳокама қилинди.

— Ўтган даврда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй берди, — деди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райҳон Носирова. — Жумладан, 108 та нодавлат секторда-ги корхона ва муассаса тизимга жалб этилиб, уларда ишловчи 428 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди.

Тармоқда бошланғич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Ўтган даврда улар томонидан 620 та бошланғич ташкилотга амалий кўмак берилди. Жорий йилдан бошлаб тармоқ келишувларидан ҳудудларда фойдаланиш амалиёти қўлланилмоқда. 1050 та юридик мақомга эга ташкилотда жамоа шарномаси қабул қилинган. Улар орқали ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаати, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳимояси амалга оширилмоқда. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида байрамларда эҳтиёжманд оилаларга, касалманд, ногирон, меҳнат фахрийларига озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур дори-дармонлар, совғалар етказиб берилмоқда.

Ютуқлар баробарида фаолиятдаги айрим камчиликларга танқидий муносабат билдирилиб, галдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам ишчанлик руҳида ўтди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти ташкилотларининг ҳисобот конференцияси ўтказилди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари В.Ҳошимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиқ ўринбосари Н.Аҳмедов иштирок этди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова ўтган даврда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, вилоятда ўтган давр мобайнида касаба уюшмаларида ўтказилган ислоҳотлар, касаба уюшмасини такомиллаштириш ва оптималлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Натижада касаба уюшма органларида иқтисод қилинган маблағлар аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш ишларига йўналтирилди.

Тармоқ тизимидаги жамоа шартномалари мазмун-моҳияти олдинги йилларга нисбатан тубдан фарқ қилмоқда. Жумладан, аёллар ва ёшларга кенг имкониятлар яратилаяпти. Қўшимча таътил ва моддий ёрдамлардан кенг фойдаланилаётир. Бундан ташқари, чет тилларни ўргатиш учун иш берувчи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш, юртимизнинг тарихий жойларига саёҳатлар уюштириш, устозшогирд тизимини самарали ташкил этиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш бандлари киритилган.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар олиб борилган ишларни қониқарли баҳолашди. Вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят ташкилотлари конференцияси бўлиб ўтди.

Унда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Бахтиёр Ибрагимов маъруза қилиб, ҳисобот даврида касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил этди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси республика ташкилоти қурултойи ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят ташкилотларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Дастлаб тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Ҳамза Эшонқулов ўтган даврда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ечимини кутаётган айрим масала ва муаммолар хусусида фикр билдириб ўтишди.

Анжуманда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши конференцияси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши қурултойига делегатлар, тармоқ касаба уюшмаси вилоят ташкилотлари раислар кенгашининг янги таркиби сайланди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фестивал доирасида йигит-қизлар турли соҳадаги билимларини бойитиш, ватанпарварлик туйғуси ва маънавиятини юксалтириш, жамоат ишларидаги фаоллигини рағбатлантириш, ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини шакллантиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳаларда иштирок этди.

— Ушбу фестивал барча ёшлар қатори менга ҳам унутилмас дамларни туҳфа этди, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Моҳичехра Ашурова. — "Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга доир ташаббусларни илгари сурдим. Тадбирларда янги дўстлар орттирдим. Бугун тенгдошларим орасида мустақил ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган, ўз кучи, билими ва салоҳиятига ишонган, буюк келажакни

ЎзА сурати

барпо этишга қодир, дунёқараши кенг, фикри теран йигит-қизлар кўп эканидан фахр-ифтихор туйдим. Бу мамлакатимизда баркамол авлодга таянадиган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор яратилганидан дарак беради.

— Техника тараққий этган даврда яшаяпмиз, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Жаҳонгир Хидиров. — Илм-фан ютуқларидан фойдаланмаслик, илғор технологияларни ҳаётимизга кенг татбиқ этмаслик ижобий натижаларга олиб келмайди. "Мунозара" турнирида жамоамиз билан мана шу масалага эътибор қаратдик. Турнирда ғолибликни қўлга киритдик. Бу бизга янада куч-ғайрат бағишлайди.

Тадбирда фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар орасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Азиза Илёсхонова ҳам бор. У "Uz" доменини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида фаол иштирок этгани учун тақдирланди.

— Бугун интернетда барча маълумотлар мавжуд, ундан қандай фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ, — дейди Азиза. — Шу боис глобал тармоқнинг ёшлар учун мўлжалланган сегментини кенгайтириш, ахборот маконида миллий руҳдаги сайтларни кўпайтириш, бу борадаги билим ва кўникмаларимизни бойитиш, интернетдан фойдаланиш маданиятимизни юксалтиришга қаратилган ушбу давра суҳбати бугунги замон талаби асосида ташкил этилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Унда ёшлар порталларини кўпайтириш, уларнинг мобиль иловаларини яратиб, турли оммабоп сайтларга жойлаштириш бўйича билдирган таклифларим мутахассисларда қизиқиш уйғотди. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, интернет орқали бўладиган ахборот хуружлари ҳақида тушунчамизни янада бойитганимиз тадбирнинг аҳамиятини янада оширади.

Фестивал якунида таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури ёшларга катта завқ бағишлади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

ТАНЛОВ

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Тошкент халқаро аэропорти" ДУКда Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъуллигида "Энг фаол ёш авиаходим" танлови кўтаринки руҳда ташкил этилди.

ЭНГ ФАОЛ ЁШ АВИАХОДИМ

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси У.Бабахановнинг таъкидлашича, аэропортда 3447 нафар ходим фаолият юритади. Улардан 1300 нафардан ортиғи 35 ёшгача бўлган мутахассислардир. Мазкур танловда корхона касаба уюшмасига аъзо турли хизматларда фаолият юритаётган 9 нафар фаол ёш мутахассис ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринни халқаро ташувларни ташкиллаштириш хизмати агенти Бобурмирзо Мирзажанов, иккинчи ўринни почта ва юк ташувларни ташкиллаштириш хизмати юк ташувчиси Азизбек Зарипов ва учинчи ўринни бош механик хизмати муҳандиси Фазлиддин Нуритдинов эгаллади.

Ғолиблар аэропорт касаба уюшма қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Концепцияда белгиланган муҳим вазифалар инобатга олинган ҳолда, давлат органлари, фуқаролар ва ташкилотларга ахборот жамияти шароитида фаолият кўрсатиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий ва услубий база изчил такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун эса ахборот хизматлари кўрсатишнинг ягона стандартлари жорий этилмоқда. Ушбу хизматлар ресурслар, маълумотлар базаси ва ахборот тизимларининг юқори даражадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.

— Ўзбекистонда аҳоли турмуш сифати ва даражасини кўтариш мақсадида барча соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга катта эътибор қаратилаётгани қувонарлидир, — дейди "Huawei Technologies Co.Ltd" тармоқларини ривожлантириш ва бизнес бўйича консалтинги президенти Пол Майкл Сканлан (Хитой). — Компаниямиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётганига 15 йилдан ошди ва дастурий ишланмалар учун катта миқдорда маблағ сарфламоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини ривожлантириш бўйича инновацион ва илғор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда "электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш ва кенг қўллашга қаратилган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти алоҳида қайд этилди. Ушбу дастур аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан электрон шаклда ҳамкорлик қилишини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимига "бир ойна" тамойилини жорий этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. Дастурда ахборот тизимлари комплекслари ва "электрон ҳукумат" тизимининг маълумотлар базасини яратиш бўйича тадбирлар ҳам белгиланган.

Унга мувофиқ, мамлакатимизда бизнес жараёнларини автоматлаштириш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилаётир.

— Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан яхши танишман, — дейди Рига халқаро олий иқтисодиёт ва амалий маъмурлаштириш мактаби бошқаруви аъзоси ва "Электрон бизнес" дастури директори Ина Гудель (Латвия). — Мамлакатингиз ушбу соҳада салмоқли ютуқларга эришмоқда. Негаки, ушбу йўналишдаги энг яхши жаҳон тажрибасини амалиётга татбиқ этмоқда. Ўзбекистонда "бир ойна" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш оммалашиб бормоқда ва бу мамлакатингизда бизнес юритиш ҳамда инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароитлар яратмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва ишончлилигини таъминлаш, уларнинг аҳоли билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Айни пайтда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижаларига ҳам эътибор қаратди. Бугунги кунда "электрон ҳукумат"ни ривожлантириш, ахборот-коммуникация соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа йўналишлар бўйича қўшма лойиҳалар ва тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

— Ўзбекистон қисқа вақт ичида "электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда катта ютуқларга эришди, — деди Корея тадқиқотлар ва минтақаларни ахборотлаштиришни ривожлантириш институтининг катта директори Жин Ван Со (Корея Республикаси). — Давлат хизматларининг онлайн режимига ўтказилиши фуқароларнинг улардан фойдаланишини енгиллаштириш баробарида вақт ва маблағ тежаш имконини беради.

Иштирокчилар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига "бир ойна" тамойили бўйича интерактив давлат хизматлари кўрсатаётган Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти билан таништирилди. Бугунги кунда портал йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича 240 дан зиёд интерактив хизматдан фойдаланиш имконини бермоқда. Давлат хизматларини қамраб олиш даражаси кенгайтирилиб, бу борадаги вазифалар такомиллаштирилган ҳолда янада ривожлантирилмоқда.

Тадбирда бугунги шароитда ахборотдан кенг фойдаланишни таъминлашнинг омили сифатида телекоммуникация технологиялари, алоқа тизимлари, тармоқлари ва инфратузилмалари, рақамли телевидениени ривожлантириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва бошқа масалаларга бағишланган маърузалар муҳокама қилинди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

СУҲБАТ

Меҳнат муҳофазаси соҳасида касаба уюшма ташкилотларида катта тажриба тўпланган. Бунинг устига кейинги вақтларда жамоа шартномаларига ишчи-ходимларга хавфсиз иш шароити яратиш бўйича янги-янги бандлар киритилаётгани қувонарли. Шунча саъй-ҳаракатга қарамай, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиев билан суҳбати ҳам ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз воқеаларнинг сабаби ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида бўлди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — БИРЛАМЧИ ВАЗИФА

— Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз ҳодисалар йилдан-йилга камаймоқда, — дейди Р. Маҳамадалиев. — Лекин бундан хотиржамликка берилиш керак эмас. Тўғрисини айтганда, бахтсиз ҳодисаларга, биринчи навбатда лоқайдлик, бепарволик сабаб бўлади.

Шу маънода айрим корхона ва ташкилотларда мазкур масалага етарли эътибор қаратилмаётганини таъкидлаш жоиз. Бахтсиз ҳодисаларнинг 90 фоизи иш берувчи томонидан ходимлар ўртасида керакли тушунтириш ишлари олиб борилмаётгани туфайли келиб чиқмоқда. Айрим ҳолатларда эса бошқа мутахассислик эгаси бўлган ходим меҳнат муҳофазасига масъул этиб тайинланмоқда. Боз устига айрим раҳбарлар ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, соҳавий ўқувларни ташкил этмаяпти. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билими текшириб борилмаганлиги эса касаба уюшма ташкилоти томонидан жамоатчилик назорати етарли даражада ўрнатилмаган, деган хулоса беради.

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида 2014-2016 йилларга тузилган ҳудудий келишув ижросини таъминлаш ҳамда ЎзКУФК кўрсатмаларига асосан "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг бажарилиши юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этилаётир. Айтинг-чи, ушбу ўқув машғулотларида асосий эътибор нималарга қаратилмоқда?

— Пойтахтимизнинг ҳар бир туманида шу мавзуда семинарлар ўтказилиб, касаба уюшма фаоллари, меҳнат муҳофазаси мутахассислари ҳамда иш берувчилар вакилларининг малакаси оширилмоқда. Уларда Меҳнат кодекси, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом", Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган Конвенцияларини иш берувчилар томонидан ижросини таъминлаш, шаҳардаги корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига риоя этиш бўйича ўрнатилган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан кенг тушунча берилмоқда. Ишонаманки, семинар иштирокчилари олган билимларини амалиётда қўллаб, бахтсиз ҳодисаларнинг янада камайишига ҳисса қўшишади.

— Бу ўта долзарб вазифага масъулият билан ёндашиш иш берувчига фақатгина фойда келтиради. Тўғримасми?

— Фикрингизга қўшиламан. Афсуски, айрим корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси учун етарли даражада маблағ ажратилмаяпти. Семинарларда ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар одамларнинг соғлигини, ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга, қанчалаб маблағни тежашга хизмат қилиши ҳақида кенг тушунча берамиз. Бунинг самараси сифатида корхоналарда меҳнат муҳофазасига сарфланадиган маблағ икки-уч баробар оширилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, ушбу маблағ манзилли ва мақсадли ишлатилсагина яхши самара беради.

Шунингдек, барча меъёрий ҳужжатларда инсон саломатлиги учун зарарли меҳнат шароитида ишлаётганларга сут маҳсулотлари берилиши аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Бир корхона фаолиятини ўрганганимизда 18 нафар ходимга шундай имтиёз кўзда тутилган экан. Тарқатма ҳужжатларини кўздан кечирганимизда 40 нафар ходимга сут маҳсулотлари берилаётгани маълум бўлди. Раҳбардан бунинг сабабини сўраганимизда, «Корхонамда ишлаётган ҳар бир ходимнинг соғлиги мен учун қадрли», деган жавобни олдик. Қани энди, шундай раҳбарлар сони кўпайса.

— Меҳнат муҳофазасини кўнгилдагидек ташкил этиш маъмурият ҳамда бошланғич ташкилотнинг бу ишга масъулият билан ёндашувига боғлиқ. Ушбу вазифани талаб даражасига етказиш учун ўқув қатнашчилари қандай таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлашмоқда?

— Албатта, ўқувлар жараёнида кўплаб таклифлар билдирилаётир. Улар "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар киритиш, бахтсиз ҳодисалар туфайли товон тўлаш тартиби, иш жойларини шаҳодатлаш, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш каби масалаларга оид бўлиб, бу йўналишдаги ишларни изчиллаштиришга ёрдам беради.

Семинар иштирокчилари шундай тадбирлар корхона-ташкилотларда ҳам ўтказилса, янада фойдалироқ бўларди, деган таклифни билдиришмоқда. Айни кунда бошланғич ташкилотларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича фаолиятини кучайтиришга жиддий эътибор қаратаяпмиз.

"Ishonch" мухбири
Неъмат РАФИҚОВ
суҳбатлашди

2015-yil 25-iyun, payshanba, № 77 (3582), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Очерк

Матбуотчилар кўчаси, 32-уйда (газета таҳририятлари жойлашган етти қаватли бино) навқирон умримизнинг энг саодатманд, сурурбахш йиллари кечган.

Раъно Зарипова «Қишлоқ ҳақиқати» («Қишлоқ ҳаёти») газетасида ишлар, сувратигина эмас, сийрати ҳам гўзал эди. У касбини беҳад севар, газетанинг деярли ҳар сонида салмоқли, ўқимишли мақолалари босиларди. Ўхшатмасдан учратмас деганларидек, талабалик йилларида куртак очган муҳаббат риштаси таниқли журналист Номоз Саъдуллаев иккисини бир умрга боғлади.

Хоразмлик ва самарқандлик келин-куёвга пойтахтда бирдан оёққа туриб олиш осон эмас эди, албатта. Лекин саъй-ҳаракатлар бир кун кишини юзага чиқариши тайин. Эр-хотин қўлни-қўлга бериб, касбга фидойилик намунасини кўрсатишди. Бу ўртада уйли-жойли бўлишди. Беш ўғил-қизни оқ ювиб-оқ тараб ўстиришди. Элга тўйлар бериб ўғил уйлашди, қиз чиқаришди, қуда-андалик, набиралик бўлишди. Обрў-эътибор топишди.

Раъно опанинг ўзбек журналистикасида ўзига хос ўрни бор. 1973 йилда Миллий университетнинг (ТошДУ) журналистика факултетини битиргач, илк фаолиятини Ўзбекистон телевидениесида муҳаррир вазифасида бошлади. Сўнг катта муҳаррир бўлди, демакки, масъулият ҳам ошди.

Кейинчалик «Сиҳат-саломатлик», «Саодат» журналларида, «Соғлом авлод учун» газетасида мухбир, бўлим муҳаррири, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

Раҳбарлик, ташкилотчилик салоҳияти «Соғлом авлод» газетасининг бош муҳаррири вазифасида ишлаб юрган даврида намоён бўлди. Соғлом авлод йилига оид Давлат дастури асосида ташкил этилган ушбу газета қисқа фурсатда ўз обуначилари сонини ўн мингтага етказди. Оналик ва болалик муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, умумхалқ ҳаракатига айлангани газета саҳифаларида ўз аксини топди.

Айни пайтда унинг йўлини шогирдлари давом эттираётир. Опа ҳар ишда уларга камарбаста. Жумладан, Ўзбекистон нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди танлови асосида газета 2010 йил «Инновацион технологияларнинг ёш соҳиблари» мавзуидаги грантни қўлга киритган бўлса, 2012 йил «Озод юрт болалари», 2014 йилда эса «Ўзбекистон болалар нигоҳида» лойиҳаларининг ташаббускори, муаллифи ҳамда раҳбари бўлди.

Раъно опага «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони берилган кун барча касбдошлар бу машаққатли меҳнат ва изланишлар самараси эканини ич-ичдан туйганмиз. Масалан, опа кўпчиликнинг эътиборини тортган «Аёл, оила, жамият» (1989 й.) мавзуидаги туркум мақолалари учун Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг дипломи билан тақдирланган. «Атиргул» (1996 й.), «Энг улуғ, энг азиз» (1999 й.), «Аёл буюк зот» (2000 й.), «Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари» (2007 й.) танловларида ғолиб бўлган. Шунингдек, «Эл эъзозлаган аёллар», «Бойчечак», «Аёлга эҳтиром», «Чашма», «Бола азиз — она мўътабар», «Барҳаёт номлар» деб номланган тўпламлардан ҳикоя ва очерклари, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: миллий қонунчиликда халқаро стандартларни амалга ошириш масалалари» тўпламидан ҳуқуқий мавзудаги мақолалари ўрин олган. Бундан ташқари, унинг «Ҳарорат», «Онагинам», «Юрт қўшиқлари» китоблари чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати бўлган даври алоҳида боб. Юксак ишонч билдириб, депутатликка номзодини кўрсатган Хоразм аҳли Раъно Зариповани ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси юклатилган вазифани беками кўст адо этгани ва халққа намунали хизмат қилганидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитаси аъзоси бўлиб (2005-2009 йй.) ишлаган кезларида оммавий ахборот воситаларида унинг 400 дан зиёд мақолалари чоп этилган бўлиб, уларда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар қамраб олинган.

Ота-она ўз камолини фарзандлари иқболида кўради. Шукрки, болалари ўз йўлларини топиб кетишган. Тўнғич ўғил Равшанбек ҳуқуқшунос, катта қизи Нодира Шарқшунослик институтида ўқитувчи, боз устига, дурустгина таржимон ҳам. Бу не саодатки, она-бола «Қисаси Рабғузий» асарининг иккинчи жилдини қадимий туркийдан замонавий ўзбек тилига ўгиришди. Ўртанча ўғил Давронбек тадбиркор, кичик ўғил Жавлонбек билан кичик қиз Ойдиной эса ота-оналари сингари ижодкор.

Раъно опанинг дўст-дугоналари кўп. Улар тез-тез йиғилиб, дилдан суҳбатлашади; шеър, ғазаллар янграйди, соҳир қўшиқлар куйланади, илмий баҳслар қизийди.

Лекин ҳаёт байрамлардангина иборат эмас. Неча ёшда бўлишидан қатъи назар ота-онанинг милтираган кўзлари кўнгил осмонини ёритиб туради. Ота-она ёлғончи дунёдан ўтган кун дил зулматга чулғанади, қалб қаъридаги устун синиб тўкилади.

Яқинда Раъно опанинг тўқсондан ошган онаси вафот этди. Унинг уйида эҳсонга келганлардан бири «шунча ёшга кирибди, онахонники тўй» деди. Бўлмаган гап, она ўлади-ю тўй бўладими? Юзкўзидан қатъият, шаддодлик уфуриб турадиган Раъно опанинг чиройли чеҳрасига айрилиқ соя солган, кўзларида мунг бўзлаб турарди. Анча вақт ўтиб ҳам ўзини тополмай юрди. Лекин Парвардигор инсонга буюк сабот ва ирода берган. Яратганнинг амри ила вақт аталмиш улуғ ҳаким ўксик кўнгилга нур, умид бахш этмиш.

Тунов куни уни учратиб суюндик. Ғайрат-шижоати яна қулф урган.

— Мени табрикланглар, «Қисаси Рабғузий»нинг иккинчи китоби нашрдан чиқди.

— Вой, зўр бўпти, — дедик қувониб.

Раъно опа тандирдан эндигина узилган нондек, ҳали тахи бузилмаган яшил муқовали китобларга ёрқин тилаклар ёзиб, ҳар биримизга биттадан узатди.

Уникидан қайтаётиб, гап гапга уланди.

— Раъно опанинг меҳнатсеварлигига қойилман, — деди юридик фанлар доктори, профессор, истеъфодаги милиция полковниги Сорахон Аҳмедова. — Ҳамиша кутилмаган ишлар қилиб, барчани ҳайрон қолдириб юради.

— Дўстликда ҳам беназир экан, — деди Муҳаммад Юсуф адабий-ижтимоий фонди раҳбари, «Олтин қалам» газетаси бош муҳаррири Назира Саломова. — Бир ишим тушганди, мендан-да зиёд югуриб, муаммолар ечимини топишда кўмаклашди.

Хуллас, нечанчи мартаки Раъно Зариповaнинг қулоғи яна қизиди. Биз у тақдим этган китобларни олиб, тезроқ ўқиб чиқишни дилга тукканча, уй-уйимизга тарқадик.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
“Ishonch” мухбири

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЎҚИШНИ КЎЧИРИШ ТАРТИБИ

Савол: Фарзандимнинг ўқишини ўзи таълим олаётган коллеждан бошқа касб-ҳунар таълими муассасасига кўчирмоқчиман. Бу қандай амалга оширилади?

О. ҚЎЧҚОРОВА,
Фарғона вилояти



Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандида ўқувчиларнинг ўқишини бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасидан бошқасига кўчириш, шунингдек, илгари ўқишдан четлаштирилган ўқувчиларни ўқишга қайта тиклаш, қоидага кўра, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади. Низомнинг 6-бандига асосан бир минтақа доирасида ўқувчилар ўқишини Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасидан бир билим соҳаси ичидаги бошқа таълим муассасасига кўчириш тегишли ҳудудий бошқарманинг рухсати билан амалга оширилиши белгиланган.

Кўриб чиқиш юзасидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори ваколатига кирадиган аризалар 20 августга қадар қабул қилинади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ваколати доирасида кўриб чиқиладиган аризалар эса 1 августга қадар қабул қилинади ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси томонидан ҳудудий вилоят бошқармаларига юборилади.

Ўқувчилар ўқишини кўчиришда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) ўқувчининг ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса, унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси;

б) таълим муассасасининг номи, мутахассислик, курс, гуруҳ кўрсатилган ҳолда таълим муассасасининг гербли муҳри билан тасдиқланган рейтинг дафтарча нусхаси;

в) ўқувчи паспорти нусхаси, вояга етмагани сабабли паспорти бўлмаганда, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг доимий яшаш жойи кўрсатилган паспорти нусхаси.

Ўқишни кўчириш тўғрисидаги ариза таълим муассасаси директори, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ёки Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ариза берилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида кўриб чиқилади.

МАОШДАН ШАРТНОМА ПУЛИ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ?

Савол: Фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган ота-она шартнома пулини иш ҳақидан ойма-ой ўтказиб бериши мумкинми, агар мумкин бўлса, шартнома учун тўланган пулдан даромад солиғи ушланадими ёки ушланмайдими?

Р. АБДУНАЗАРОВ,
Косон тумани

Жавоб: Фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган ота-она шартнома пулини иш ҳақидан ойма-ой ўтказиб бериши мумкин. Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандига асосан 2012 йилнинг 1 январидан фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган суммаларидан солиқ олинмайди. Ўзининг ўқиши ёки фарзандининг ўқиши учун тўланганда солиқ чегирмаси таълим олувчига, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлгунга қадар тўлов амалга оширилган бўлса, таълим олувчининг ота-онасига берилади. Шунинг учун талабанинг таълим олиши учун тўловдан васийлар ёки ота-онасидан ташқари бошқа қариндошлар бу имтиёздан фойдалана олмайдилар.

Саволларга Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши юристконсулти Дилбар МУҲАММЕДАЛИЕВА жавоб берди

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш ва юксалтиришда етакчи ўрин тутувчи энергетика соҳаси тинимсиз меҳнат ва қатъий интизомни талаб қилади. Зеро, замонавий техника ва технологиялар асосида янгидан янги саноат корхоналарининг бунёд этилиши натижасида энергетикага бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН



Анъанага кўра, “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик компанияси ташаббуси билан “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” унитар корхонасида жорий йилнинг июнидан июлигача “Хавфсизлик техникаси кўриги ойлиги” ўтказилаётир. Кўрикни муваффақиятли ташкил этиш учун барча цехлар қатори, Қозон турбина цехида ҳам тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил фаолият олиб борилаяпти. Ходимлар учун хавфсиз, муносиб меҳнат шароитини янада яхшилаш, энергетика тизимида жароҳатланишларнинг олдини олиш мақсадида, авваламбор, профилактика ишларига зўр берилаётир. Мазкур кўрик бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги сифат босқичига кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, жамоамиз хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилган ҳолда электр энергия ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш йўлида бор имконият ва билимини сарфлаётир.

Алишер ТОШЕВ,
“Талимаржон ИЭС”
УК Қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари

***

“Талимаржон иссиқлик электр станцияси” унитар корхонаси технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари цехи ходимлари ҳам ойликни муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, ҳар бир иш кунида хавфсизлик техникаси учун масъуллар белгиланган бўлиб, уларнинг олиб борган ишлари ва аниқланган камчиликлар махсус журналда қайд этиб борилаётир.

Аниқланган камчиликлар бартараф этиляпти, қўпол хатога йўл қўйган ходимларга нисбатан маъмурий чоралар белгиланган. Ходимларга хавфсиз иш шароитларини яратиш ва уларнинг бу борадаги билим ҳамда кўникмаларини ошириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Раҳим ҲАМИДОВ,
“Талимаржон ИЭС” УК технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари цехи участка бошлиғи

ДАМ ВА ОДАМ

ТЕЗКОР АВТОМОБИЛ

Porsche компанияси 918 Spyder гибрид машинаси устидаги ишларни якунлади. У 21 ой мобайнида конвейерда эди. Шу давр ичида машинанинг 918 нусхаси терилди, уларнинг барчаси ўтган йилнинг охиридаёқ буюртма асосида ўз харидорини топиб бўлганди.

Автомобил 887 от кучига эга қурилмали бўлиб, унинг таркибига 4.6 литр бензинли V8 ва иккита электромотор киради. Машина 100 км. масофага 3 литр бензин сарфлайди.

Worldofcarfans порталининг хабар беришича, 2013 йили Porsche 918 Spyder дунёдаги энг тез серияли автомобил деб тан олинганди. У Нюрбургринг Шимолий чизиғидан 6 дақиқа 57 секундда ўтган эди.

ЭНДИ ХАТНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ МУМКИН

Google компанияси Gmail почта хизматига хат жўнатилишини бекор қилиш функциясини қўшди, дея хабар бермоқда “Vesti.ru”.

“Жўнатишни бекор қилиш” (Undo Send) тугмаси сўнгги олти йил давомида синовдан ўтказилган.

Янги функция Gmailнинг фақат веб-интерфейсида амал қилади. Уни ёқиш учун экраннинг юқори ўнг бурчагидаги тишли ғилдиракча тасвири босилади ва “Созланмалар” (Settings) банди танланади. Сўнг “Умумий” (General) саҳифасидан “Жўнатишни бекор қилиш” (Undo Send) қисмидан функцияни ёқиш учун у ерга белги қўйилади.

Жўнатишни бекор қилиш учун вақт оралиғини ўзингиз белгилашингиз мумкин. Ушбу вақт ўтиб бўлгач, мактуб бутунлай жўнатилади ва уни ортга қайтариб бўлмайди.

Машҳур агент 007 ҳақида суратга олинган илк филмда фойдаланилган Rolex Submariner моделидаги 1957 йилда ишлаб чиқарилган соат, Нью-Йоркдаги Christies аукционида 269 минг АҚШ долларига сотилди.

СОАТ — 269 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ

Bloomberg нашрининг ёзишича, Rolex Submariner 6538 моделли соат 60-100 минг доллар атрофида баҳоланганди. Бироқ аукцион давомида у кутилганидан тўрт баробар қимматроғига пулланди.

Rolex Submariner 6538 1957 ишлаб чиқарилгач, жосус Жеймс Бонд ҳақидаги илк кинокартина — “Доктор Ноу” филмида биринчи маротаба қўлланилганди. Унда бош ролни ижро этган актёр Шон Коннери соатнинг қора-кулранглисини тақиб суратга тушган. Аукционга эса ушбу моделнинг пўлат браслетли тури қўйилганди. Мазкур соат ўша пайтларда 100 метр чуқурликдаги сувга ҳам чидамли илк соат сифатида тарихга кирган.

Интернет материаллари асосида Диёр МАМАТҚУЛОВ тайёрлади

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда НКМК ДК “Шимолий кон бошқармаси”нинг 2015 йил 12 мартдаги 01/271-сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган 1999 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 07-37 ЧЗ бўлган МТЗ-80-10 русумли трактор такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 3 514 628 сўм.**

Савдо 2015 йил 10 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 8 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 10 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 22 июл, 5, 12, 19 август кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: такрорий савдо учун 2015 йил 20 июл, 3, 10, 17 август кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Кўрсатилаётган хизматлар учун қўшимча равишда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида ҳақ олинади.

Талабгорлар мулк бошланғич бахосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ “Ипотека банк” Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Жасорат кўчаси, 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

Абдуқодирова Зиёда Абдулло қизи номига 04.07.2013 йилда берилган №164 L 183750 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Холмуратова Дилноза Пайзиловна номига берилган № 0809650 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоалари бирлашма кенгаши раиси Фарҳод Хидировга акаси

Шокир ХИДИРОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши аъзоси Рустам Муродовга падари бузруквори

ЭШОНҚУЛ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 25-iyun, payshanba, № 77 (3582), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ЮКСАК МАРРАЛАР ДЕБОЧАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм, Бухоро вилоятлари Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига велоспорт бўйича қабул квоталарининг оширилгани ҳам мазкур спорт турининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

«Олимпия шон-шуҳрати» музейида ташкил этилган тантанали тадбир Велоспорт федерациясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида яна бир катта қадам бўлди. Унда велоспортчилар, мураббийлар, ҳудудий бўлимлар ва ОАВ вакиллари, меҳмонлар иштирок этди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Велоспорт федерацияси раиси Танзила Нарбаева, Маданият ва спорт ишлари вазирининг спорт ишлари бўйича биринчи ўринбосари Муроджон Алиев, Миллий олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов юртимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан спортга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўзининг самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Тадбир мобайнида келгуси йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да ташкил этиладиган XXXI ёзги олимпия ўйинларига спортчиларни юқори даражада тайёрлаш, етакчи спортчиларимизга муносиб издошларни тарбиялаш борасида сўз борди.

Бош ҳомий томонидан Велоспорт федерацияси ва унинг ҳудудий бўлимларига RTS маркали 97 та, Apachi маркали 60 та профессионал велосипед, бешта мотоцикл ҳамда зарур спорт анжомлари топширилди.

Бундай эътиборга муносиб жавоб бераётган спортчиларимиз халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Владимир Тўйчиев, Муроджон Холмуродов каби тажрибали спортчиларимизга муносиб издош сифатида велоспортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда. Яқинда Таиландда якунига етган Осиё чемпионатида ёш истеъдодли спортчиларимиз — Темур Гумеров олтин, Дилмуроджон Сиддиқов эса бронза медалини қўлга киритиб, ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир карра барчага исботладилар.

— Эътибор, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Спортчи учун бундай омиллар муҳим аҳамият касб этади. Биз ҳам бундай ғамхўрликка муносиб жавоб қайтариб, юртимиз байроғини янада юксакларга кўтаришга ваъда берамиз, — деди Дилмуроджон Сиддиқов.

— Сўнгги йилларда юртимизда велоспорт жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Хусусан, велоспорт билан шуғулланувчилар сони оммавий равишда кўпайиб бораётганига кўпчилигимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Тақдим этилган велосипед ва совғалар, ўйлайманки, барчамизни янги марралар сари чорлайди, — деди Темур Гумеров.

— Шароит бор жойдагина ўсиш, юксалиш бўлади. Бугунги тадбирдан кўпчилик қувонгани, шубҳасиз. Шулар қаторида мен ҳам. Бу хайрли ишга бош бўлган, хизмати сингган барча-барчага ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман, — деди велоспорт бўйича юртимиз терма жамоаси бош мураббийи Людмила Меркелова.

Мамлакатимизда барча спорт турлари каби велоспорт ҳам ривожланиб, аҳолимиз ўртасида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Яратилган шарт-шароитлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз меваларини бераверади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ

Ҳукуматимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва аҳолини бу касалликдан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

ОГОҲЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Марказимиз тасарруфидаги Вобкент, Олот ва Ғиждувон туманлараро лабораториялари замонавий диагностик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ушбу муассасаларда қон таҳлиллари, тиббий муолажалар давлат бюджети ҳисобидан бепул амалга оширилмоқда. Хасталикни юқтирган шахслар диспансер назоратига олиниб, шахси сир сақланган ҳолда поликлиника бўлимида муолажалар олишади. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида ҳомиладор аёллар ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида бепул ОИВ инфекциясига текширилади. ОИВ статуси мусбат бўлган ҳомиладорлардан касаллик онадан болага юқишининг олдини олиш учун ҳомиладорлик вақтида ва туғилган чақалоқ АРВП — антиретровирус препаратлар билан таъминланади.

Маълумки, ушбу инфекция узоқ вақтгача клиник белгиларсиз кечувчи сурункали юқумли касалликдир. Хасталик иммун тизимини зарарлаши туфайли организм турли юқумли касалликларга мойил бўлади. Унинг яширин даври 8 ҳафтадан 5-12 йилгача давом этиб, клиник белгиларсиз кечиши ва инфекцияни юқтирган шахслар ўзларини мутлақо соғлом ҳис қилиши билан характерланади. ОИВ инфекцияси 3 хил йўл билан юқади:

Парентерал — тери ва шиллиқ қаватлар бутунлигининг бузилиши билан амалга оширилиладиган муолажалар: ностерил тиббий ва нотиббий асбоблардан фойдаланилганда, ОИВ инфекцияси билан зарарланган ва текширилмаган қон қуйилганда, аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда; **Жинсий йўл** — бетартиб жинсий ҳаёт кечирувчи шахслар орасида кўпроқ учрайди. **Вертикал** — ОИВни юқтириб олган ҳомиладорлардан ҳомилага ёки чақалоққа: ҳомиладорлик даврида, туғруқ жараёнида ва туғилгандан сўнг кўкрак сути билан эмизганда юқади.

Охирги йилларда узоқ вақт чет давлатларда яшаб, қайтиб келган мамлакатимиз фуқароларини ОИВ инфекциясига текшириш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича тартиб ишлаб чиқилди. Республика комиссиясининг 2013 йил 5 июндаги "Чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган республикамиз фуқароларини ОИВ инфекциясига текшириш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарасини янада ошириш тўғрисида"ги баёни тасдиқланди. Унга мувофиқ вилоятимизда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ички ишлар бошқармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда мигрантлар ва оила аъзоларининг ОИВ инфекцияси борасида билимини ошириш, хасталикни эрта аниқлаш каби комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мигрантларни ОИВ инфекцияси бўйича хабардорлик даражасини ошириш учун ўзбек ва рус тилларида маълумот ёзилган аудиодисклар Бухоро темирйўл вокзалига, халқаро аэропортга тақдим қилинди ва аҳолига радиоэшиттиришлар тарзида ҳавола қилинмоқда. "Инсон умид билан яшайди", "Ҳаёт қадри" филмлари, "Аэропорт", "Футбол" видеороликлари аэропорт кутиш залларида намойиш этиляпти.

"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида 50 ёшгача бўлган никоҳланувчиларни мажбурий равишда ОИВ текширувидан ўтиши белгиланган. Шунингдек, юртимизда ёш авлод саломатлиги йўлида қилинаётган тадбирлардан бири ёшларнинг ОИВ инфекцияси бўйича хабардорлигини ошириш мақсадида ўқув муассасалари, корхона-ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишлари, жумладан, давра суҳбати, семинарлар ташкил этилаётир. Чунки тиббий маълумотга эга бўлиш огоҳликка чорлайди. Зеро, бир бор иньон қилинган азиз умрни иллатлардан холи, ҳаётдан завқ олиб яшаб ўтганга не етсин.

Ашур ТЎХТАЕВ,
Бухоро вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачи

ЁШЛАР ОВОЗИ

"Қариси бор уйнинг париси бор", дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Оиланинг ҳақиқий маънодаги файласуфига айланган кексаларимиз босиб ўтган ҳаёт йўли тажриба мактаби десак асло янглишмаймиз. Бувижоним билан бирга яшаган беш йил энг бахтли онларимдан бўлган. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларию қийинчиликларини енгиб ўтган инсонгина ўз ўрнини топа олишини бувижонимнинг ҳикоялари орқали тушуниб етганман.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Айниқса, онамнинг уларга кўрсатаётган меҳрибончилигини кўриб, биз болалар юрагимиз эзгуликка тўлаётганини ҳис қилганмиз. Бувижоним қазо қилганига бир йил бўлиб қолди. Оилавий давраларда уларни эсга олганимизда "изларини, исларини қидириб топиб кўринг, бувингизни" деб қўяди онажоним. Қарияларимиз ғанимат эканини, уларни тириклигида ардоқлашимиз жоизлигини англаб етгандек бўламиз беихтиёр. Йўғида минг бор йиғлагандан, борида бир бор эслаш, йўқлаш фарз экан.

Ҳар куни ўқишга кета туриб, бекатда тиланчилик қилаётган ёши улуғ онахонни учратаман. Онахоннинг тақдири билан қизиққанимда, уч нафар ўғли борлиги ва барчаси ўзига тўқ, оилали, болачақали эканидан мамнун гапирди. Бироқ, фарзандларининг каттаси "укаларим қарасин, мен тўнғичман", деса, ўртанча ва кенжа фарзанд ҳам "акам боққиси келмаса, биз ҳам мажбур эмасмиз", деб онаизорга қарашдан бош тортишибди.

Афсуски, гоҳида учраб турадиган бу каби воқеаларни эшитиб, кўриб "алҳазар" дегинг келади. Шу ўринда ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг "Болаларнинг ҳаммаси ҳам фарзанд бўлавермайди", деган битиклари беихтиёр ёдга тушади.

Қариялар оиламиз кўрки, фаришталари, уларни эъзозлаш — олий қадрият эканини унутмайлик.

Ҳилола АБДУМЎМИНОВА,
ЎзМУ талабаси

«ҚУЁШЛИ»ДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРОМГОҲИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 50 минг нафардан ортиқ фарзанди бепул дам олдирилиши, ҳеч бир муболағасиз, оқилона ёндашув натижасидир.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Қуёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилди. Ушбу оромгоҳда мавсум давомида республика миқёсида "Билимлар беллашуви" ҳамда фан олимпиадалари ғолиблари бўлган 500 нафар иқтидорли ўғил-қиз касаба уюшмалари томонидан бепул соғломлаштирилади. Айни кунда оромгоҳ 300 нафар иқтидорли ўғил-қизни ўз қучоғига олган.

Куни кеча Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи 1-навбатининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари, таниқли олимлар, устоз ва мураббийлар иштирок этишди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари томонидан мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган эътиборга алоҳида урғу берилиб, ўқувчиларнинг етарли билим олиш билан бирга, мароқли ҳордиқ чиқариши учун яратилаётган имкониятлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди.

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида энг яхши деб топилган ғолиблар — 250 нафар билимдон ўқувчи "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида бепул йўлланмалар билан таъминланиб, оромгоҳимизнинг 1-навбатида имтиёзли ҳордиқ чиқармоқда, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги "Қуёшли" оромгоҳи бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов. — Бу масканда уларнинг жисмонан чиниқиши, маънавий камол топиши ва ўз билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароит мавжуд. Бой китоб захирасига эга кутубхона, интернет тармоғига уланган компютер хонаси, хореография зали, вокал хонаси, очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, қулай ва шинам ётоқхоналар, мазали ва дармондорига бой таомлар тайёрланаётган ошхона болажонлар хизматида.

Оромгоҳда фаолияти йўлга қўйилган тўгараклар, хусусан, "Инглиз тили" тўгараги зарур воситалар билан таъминланиб, ўғил-қизлар табиат қучоғидаги ноанъанавий машғулотлар билан қамраб олинган. Юқори педагогик маҳорати орқали ёш авлод камолотига муносиб ҳисса қўшиб келаётган энг яхши устозларнинг жалб этилгани эса алоҳида эътирофга лойиқ.

Болажонлар учун турли фанлар бўйича маҳорат дарси, ижодий ўқув машғулоти, викторина, танлов, мусобақа, назм ва наво кечалари ташкил этилмоқда. Таниқли фан арбоблари, олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар, маҳорат дарслари йўналишидаги мулоқотлар ўғил-қизларда катта таассурот қолдирмоқда.

Республика Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи очилишига бағишланган тантанали тадбирда дам олаётган болажонлар иштирокида "Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати" деб номланган маданий-маърифий дастур намойиш этилди. Иқтидорли болажонлар ўқиш жараёнида эришаётган ютуқлари учун Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдирландилар.

Болажонлар кўзида порлаган қувонч, гувоҳи бўлганимиз теран фикр ва шижоаткорона руҳ мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган улкан саъй-ҳаракатлар натижаси эканлигини яна бир бора намоён этгандек бўлди. Зеро, жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга ўғил-қизлар буюк келажагимизнинг эртанги эгаларидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

МОЗИЙДАН САДО

Кўҳна маданият ўчоқлари сифатида жаҳонга танилган тарихий шаҳарларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиқлол туфайли мамлакатимиздаги кўплаб меъморий обида ва қадамжолар қайта тикланди. 2001 йил 30 августда қабул қилинган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун асосида соҳага оид ишлар тартибга солинаётир.

МИНГ ЙИЛЛИК МАҚБАРА

Ҳозирда юртимизда 10 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 7570 таси давлат ҳимоясига олинган. Улар таркибида 2330 та меъморчилик, 3945 та археология, 1138 та ҳайкалтарошлик ва монументал санъат асари ва 157 та диққатга сазовор жой ҳамда 700 мингдан ортиқ кўчма маданий мерос объектини кўришимиз мумкин.

Бундай обидаларга қаратилаётган эътборнинг амалий исботини Қарши шаҳридаги муқаддас зиёратгоҳлардан бири Хўжа Абу Убайд Жарроҳ меъморий мажмуаси мисолида кўришимиз мумкин.

Атрофи девор билан ўралган қабристонда масжид ва мақбара жойлашган бўлиб, унинг ичида бир нечта нақшинкор мармар қабртошлар бор. Кейинчалик қабристонга сирланган кошинлар билан безатилган кичкина минора ва икки табақали эшик қурилади. Эшикни бронзадан ясалган кўп қиррали иккита ҳалқа ва қўл панжаси безаб туради.

Хўжа Абу Убайд Жарроҳ ислом арконини чуқур билган, халқ орасида тарғиб этган мўътабар зот ҳисобланади. Ўрта асрларнинг сўнгида меъморий мажмуа муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланган.

2012 йилда зиёратгоҳда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Унинг атрофида амалга оширилган археологик тадқиқотлар бу меъморий иншоотнинг барпо этилиши ва қурилиш даврини бир қадар ойдинлаштирди. Изланишлар натижасига кўра, мақбара қурилишига қадар ҳам бу жой аҳоли учун зиёратгоҳ ҳисобланган. Меъморий обида таркибидаги энг қадимги бино қолдиғи миноранинг шимолий-ғарбий қисмига яқин жойда эканлиги аниқланди. Унинг девори пишиқ ғиштдан қурилган. Улар Сомонийлар даври ғиштлари деб аталади. Меъморчиликда IX аср охири ва X аср бошларида қўллана бошланган.

Бу жойдан XIV-XVI асрларга оид 16 та сағана топилиб ўрганилган. Уларнинг 5 тасидаги дафина ўз вақтида қандай қўйилган бўлса, шундайлигича сақланган.

Мажмуада амалга оширилган таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан сўнг ташриф буюрувчилар сони ошди. Ватандошларимиз ва хорижий меҳмонлар учун зиёрат ва сайёҳлик масканига айланди. Меъморий ёдгорликлар эса асл ҳолича сақланиб, очиқ музейга айлантириш режалаштирилмоқда.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ,
ЎзМУ талабаси

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:30
Topshirildi — 21:40
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133